

Пайарик тумани

«26» Август 2022 йил

"Diamand builder" МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устав асосида иш юритувчи И.Хасанов номидан, бир томондан ва Пайарик тумани хокимлиги, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устав асосида иш юритувчи З.Эргашев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га Пайарик тумани хокимлигига Махсулотлар олиш, "Буюртмачи" ушбу "Махсулотлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Суммаси	Баҳоси
1	Доска обрезная (ДОСКИ ДЛЯ ПОКРЫТИЯ ПОЛОВ СО ШПУНТОМ И ГРЕБНЕМ АНТИСЕПТИРОВАННЫЕ)	М3	5	3500000	17500000
2	Брус (Брус, тахта, рейка)	М3	22	3373900	74225800
3					
4					
5					
6					
					91725800

1.3. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 91725800 (туксон бир миллион етти юз йигирма беш минг саккиз юз) сўм деб белгиланди.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан " Махсулотлар " " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган " Махсулотлар " кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган " Махсулотлар " кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган " Махсулотлар " шунга ўхшаш " Махсулотлар " билан алмаштирилишини;
- " Махсулотлар "нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Махсулотлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган " Махсулотлар "ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.3. « Махсулотлар »га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган " Махсулотлар " учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Махсулотлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га " Махсулотлар "ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар " Махсулотлар "ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 91725800 (туксон бир миллион етти юз йигирма беш минг саккиз юз сўми) ташкил этади. Кўрсатиладиган "Махсулотлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Махсулотлар" туркуми суммасининг олдиндан 30 фоизи миқдоридан 2022 йил олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Махсулотлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Махсулотлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Махсулотлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампидан кўрсатилган сана "Махсулотлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Махсулотлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Махсулотлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Махсулотлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Махсулотлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Махсулотлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Махсулотлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Махсулотлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Махсулотлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Махсулотлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Махсулотлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Махсулотлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Махсулотлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техника шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Махсулотлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Махсулотлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Махсулотлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Махсулотлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Махсулотлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Махсулотлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Махсулотлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан махсус

хисобракамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3.Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Пайарик тумани Газначилик бўлини масида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга ама қилади .

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4.Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар(қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

IX. ТОМОНЛАРNING ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотиб олувчи»:	"Diamond builder" МЧЖ
Адрес:	Самарқанд шаҳар Беруний кучаси 45а уй
Х/Р:	20208000305054308001
МФО:	01097
ИНН:	306325753
ОКОНХ:	
Банк:	САМАРҚАНД Ш., "ТРАСТБАНК" ХА БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
Раҳбар:	И.Хасанов

«Сотиб олувчи»:	Пайарик тумани ҳокимлиги
Манзил:	Пайарик тумани
ш/х:	305122860182247109602018001
ОКОНХ:	97600
СТИР:	200760885
Газначилик бўлини маси номи	Пайарик тумани бўйича Газначилиги бўлини маси 23402000300100001010
Газна х/в	
Банкнинг номи	Марказий банк Тошкент ш ХККМ.
МФО:	00014
Газначилик СТИР и	201122919
Раҳбар:	З.Эргашев

Ҳуқуқшунос
Лицензия (Диплом) _____ берилган санаси: _____

Ҳуқуқшунос: _____
Лицензия № 014777 берилган санаси: 22.12.2020 й

